

---

# ИЖТИМОЙ НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШДА ЯНГИЧА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 мартдаги 122-сонли “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқланди ва 2021 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилди.

Мазкур Низом Республикамиз ҳудудида яшайдиган кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ва уларга 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ҳамда ун ва қолипни нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун хар ойлик пулли компенсацияларни тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Қуйидаги ҳолатларда оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва уларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади:

Оиланинг хар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад Низомда кўрсатилган мезондан ошганда; оила аъзоларида жами биттадан ортиқ кўчмас мулк ёки нотураар жой мавжуд бўлса; оила аъзоларида ўз номига расмийлаштирилган ёки бош ишончнома асосида фойдаланилаётган техник соз, ишлаб чиқарилганига 7 йилдан ошмаган бир ёки бир нечта автотранспорт воситаси мавжуд бўлганда; оила аъзолаининг бирортаси тижорат банкларидаги депозит ҳисоб варақларида энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кўп маблағга эга бўлганда; оилада меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда; оилада охириги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси меҳнат органларининг мақбул келадиган ишга доир таклифларини мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ) рад этганда ва расмий даромад манбаига эга бўлмаган ва охириги 6 ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлганда.

Бундан ташқари оила тасарруфидаги томорқа майдони, чорва моллари ва паррандалардан ҳам келадиган даромадлар ҳисобга олинади. Биз тумандошларимизга Низомнинг бошқа бандларида келтирилган ҳолатлар ҳақида ҳам келгусида маълумотлар бериб борамиз.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

Данғара туман бўлими бошлиғи:

Т.М.Собиров.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)

[Facebook](#),

2021-08-25 15:33:20